



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 16 декабр, сешанба № 194 (1619)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Хоразмдан хатлар

Яқинда оддий кишлоқ аёли Адолатхонларникида меҳмонда бўлдим. Қадрдонлар жамул-жам бўлиб, даврани кенг олган унутилмас кун экан. Мол сўйилиб, катта қозонда ош дамланди. Дастурхонда мевачева, қовун-тарвуз сероб. Бу хонадоннинг кут-баракаси ўзи билан дейишарди. Чинданам ҳалол меҳнат, тadbиркорлик туфайли хонадон аъзоларининг бири икки бўлмоқда. Уйлар қуриб, тўйлар қилишмоқда. Рўзгор учун зарур нарсаларнинг барчаси ўзларидан чиқади. Қорамол, қўй, эчки, парранда асралади. Торморқада сархил неъматлар етиштирилади. Ортикча дехқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари бозорга олиб чиқилади. Эътиборлиси шуки, «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигидаги ақсарият хонадонларда ана шундай манзарани кўриши мумкин.

СТАДИОН

хар ҳўжаликда бўлади

Туманда 11 миллатга мансуб қарийб 13 минг киши ҳамжиҳат яшайди. Ҳўжалик маъмурияти, касба уюшма қўмитаси сўнгги йилларда меҳнатқашлар саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Мавжуд 2 та тиббиёт пунктида малакали шифокорлар фаолият юритишмоқда. Шифо маскани замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. 6 та мактаб, 4 та болалар боғчаси, қатор савдо шохобчалари ишидан кўпчилик мамнун. Муҳими, мутасаддилар у-буни баҳона қилмай кинотеатр, маданият саройини ҳўжаликда қўйишмади. Маданий-маиший тadbирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Қишлоқларда тadbиркорлар кўпаймоқда. Шу боис 5 жойда шойи оқлаш цехлари, тегирмонлар ишлаб туриши. Шундай бўлса, ичимлик суви катта муаммо эди. Олимпияликлар Оролбунйи аҳолисига ёрдам тариқасида беминнат мадад қўраштиради. Бунинг шарофати билан «Тўямўйин-Урганч» сув узанидан қувурлар тортиб келинди. Синов ишлари нихоясига етказилди. Қатор кишлоқлар оби ҳайтдан баҳраманд бўлдилар.

Яна бир ташаббус ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Урганч тумани атрофидаги 10 та ширкат ҳўжалиги раҳбарлари маҳалатдаги бир жойга қўйиб, болалар спортини ривожлантиришга астойдил бел боғлашди. Режа асосида иштиёқ билан иш бошлаб юборилган. Ҳозирда Оқунбобоев номи ширкат ҳўжалигида хар томонлама қўлай, замона мос ўйингоҳ қўрилмоқда. 2004 йилда Ш.Рашидов номи, кейин эса «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалигида аjoyиб стадионлар қурилади. Буларнинг ҳаммаси ёш авлод ҳақида қўрсатилаётган меҳрибонликнинг амалдаги кўринишидир.

Шу тумандаги «Гулистон» ширкат ҳўжалиги одамлари ҳақида ҳам яйраб гапираман. Экологик муҳит анчайин мураккаб бўлса, кишлоқлар ҳамқору ҳамжит қўйиб, ўз касбларини ардоқлашмоқда. «Ногирон болаларни қўлаб-қувватлаш жамияти» илк бор шу ҳудудда ташкил этилган. Ҳайрли тadbир туфайли 7 ёшдан 16 ёшгача бўлган жисмонан ногиронларнинг ҳаётига қўвонч олиб кирилади. Улар қизиқарли машғулотлар билан машғулдилар. Эндилдиқда улар орасидан истеъодлар етишиб чиқатганилиги қўвончли ҳолдир.

Нуронийлар билан фикрлашсангиз улар: қўрсатганига шукр, имтиёزلардан унумли фойдаланиб, пенсия пулини вақтида олиб туришимиз дейишарди. 173 та кам таъминланган оила ҳўжалиги ота-лигида. Уларга моддий ва маънавий жиҳатдан қўмак бериб келинмоқда. Маош бўйича бу ерда қарздорлик йўқ. Сўнгги йилларда олимпик дехқонлар 13 сотихдан иборат ёрдамчи ерлардан унумли фойдаланиб, мўл маҳсулот етиштиришга эришишмоқда. Қайси хонадонга кирмайлик иссиқ нони, сут-қатичи, дон-дучи бисёр эди. Муҳими, саломатлик, тинчлик-хотиржамлик бўлса бас. Давлат дастурлари асосида шифо масканлари бунёд этилди. Эндилдиқда бу ердаги кишлоқ врачлик амбулаторияси ҳақида фaҳр-ланиб гапираришарди.

Ҳўжалик касба уюшма қўмитаси раиси Комилжон Матсаидов ҳам ишончини оқлаб, савобли ишларга бош-қош бўлмоқда. Унинг ёрдами билан бу йил талай меҳнатқашлар «Жайхун», «Оқтош», «Хонка» каби сикатҳоҳларда мириқиб дам олдилар. Мураккаб шариқта ишлаётган кишлоқлар ҳўжалик томонидан алоҳида рағбатлантирилмоқда. Шу боис хар бир кун самарали, мазмунли ўтмоқда.

Шарофат ИСКАНДАРОВА, Урганч тумани

ШИФО МАСКАНИ

Чимбой туманидаги «Кенгес» овулида эллик уринли янги шифо маскани фойдаланишга топширилди.

Овулимиз ахли узоқ йул босиб туман марказига бориш ташвишидан қутилди, - дейди врачлик пункти бош шифокори Бибижамол Боймирзаева. - Муассасамизга замонавий физиотерапия ускуналари ўрнатилди. Етарли хижозланган лабораториямизда беморларга аниқ ташхис қўйиш имкони мавжуд.

Қамаш туманидаги Пастол қишлоғида 50 ўринга мўлжалланган замонавий кишлоқ врачлик пункти ишга тушди. Унга маҳаллий бюджет ҳисобидан 12.5 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар олиб берилди. Шифо масканида гинекология, физиотерапия, таҳлил ва ташхис қўйиш бўлимлари мавжуд.

ХОРИЖ ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА

Қарши туманидаги «Хунарманда» фирмасида 12 хил марка қорамол маҳсулотлари ишлаб чиқарадиган ва қадоклайдиган хориж ускунаси ўрнатилди.

Туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тadbиркорлар палатаси раиси Абдухалик Қосимовнинг таъкидлашича, умумий қиймати 850 минг АКШ долларига тенг бу технологик линияни фирма жамоаси ўз маблагига сотиб олган. Ҳозирча бу ерда 10 хилдан ортиқ мақорон маҳсулотлари тайёрланмоқда.

(УЗА)

ИСЛОМ КАРИМОВ ҲАМДАРДЛИК ИЗҲОР ЭТДИ



Озарбойжон халқи оғир жудоликка учради. Мамлакатнинг собик Президенти Ҳайдар Алиев 81 ёшида ҳайтдан кўз юмди. У АКШнинг Огайо штати Кливленд шаҳридаги шифоҳонада вафот этди.

Ҳ.Алиев Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Озарбойжоннинг мамлакатимиздаги элчионасига ташриф буюриб, халқимиз ва ҳўкуматимиз номидан ушбу давлат халқи ва

да Президент этиб сайлангач, мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва иқтисодий тараққиётга асос қўйилди, халқ тотувлиги мустаҳкамланди. 1998 йилнинг 11 октябрда у яна сайловда ғолиб чиқиб, президентлик фаолиятини давом эттирди. 15 декабр куни Бокуда Ҳ.Алиев билан видеолашув маросими бўлди. «Республика» саройига ўн минглаб одам, қатор мамлакатлардан ҳўкумат делегациялари келди.

Озарбойжонда Ҳ.Алиев вафоти муносабати билан етти кунлик мотам эълон қилинди. Озарбойжон Миллий мажлиси (парламент) халққа мурожаат эълон қилиб, Ҳ.Алиев бошлаган ишнинг ўғли - Президент Илҳом Алиев атрофида жиҳслаб эълон қилинган. 1969 йилнинг июлида Озарбойжонга раҳбар бўлди. Озарбойжонда мустақиллик йилларидаги ислохотларни ҳам Ҳ.Алиев бошлаб берган эди. 1993 йилнинг 3 октябри-

АЙБДОРЛАР ЖАЗОСИНИ ОЛАДИ

Газетамизнинг шу йил 30 сентябрдаги сониди «Муруват уйи муруват-сизликка мубтало бўлди» сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган эди. Унда билдирилган фирмулоҳазарлар юзасидан жавоб хати олинди: «Мақола вилоят ҳокимлиги томонидан атрофича ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, Қорақул туманидаги «Муруват уйи» маъмурияти ва касба уюшма қўмитасининг 2000 йил 16 июндаги 296-сонли қарори билан «Муруват уйи» ёрдамчи ҳўжалигининг ер майдони ўрнида «Мирзабек-А»

фермер ҳўжалиги ташкил этилган. Фермер ҳўжалигини ташкил этишда туман ҳокимлиги томонидан қарорни қабул қилиш учун асос бўлган ҳўжатларнинг қанчалик даражада қўнунга мувофиқлиги етарли эътибор қаратилмаган. Жумладан, «Муруват уйи» балансида бўлган 38 бош қўй, 1750 килограмм бугдой, 16 тонна қорақул сомони, 27 дон қорақул тери «Мирзабек-А» фермер ҳўжалиги ҳисобида қўлиб кетганлиги вилоят тафтиш бoшқармаси томонидан аниқланди. Шунингдек, «Муруват уйи» ҳисобида бўлган 20 та турли иморатлардан 13 таси ўзлаштириб оборилганиги бўйича жоний иш қўзғатилди. Айни пайтда тергов ишлари олиб

борилмоқда. Мақолада билдирилган бошқа қатор масалалар ҳам тергов ва суд органлари томонидан қўриб чиқилганидан сўнг, тегишли ҳўкукий баҳосини олади.»

М.УМАРОВ, Бухоро вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари

МАБЛАҒ ЎЗ ЭГАСИГА ҚАЙТАРИЛДИ

«Ишонч» газетасига бундан бир неча вақт муқаддам Тошкент вилоятининг Бўка тумани электр тармоқлари ташкилотидан ёзилган бир гуруҳ ишчи-ходимларнинг аризаси юзасидан

жада бўлса, касабакўм шунга мос даражада ишлайди. Содда қилиб айтганда, касба уюшма ташкилотиде меҳнат жамоасининг бошқа бир ташкилий-ҳўкукий қўринишидир. Собик шўролар даврида касба уюшмалари фаолият маълум маънода чеклаб қўйилганди. Асосий фаолият соғломлаштириш, моддий ёрдам уюштириш, камёб маҳсулотларни тақсимлашда иштирок этиш бўлиб қолганди. Оқибатда одамлар онгида касба

буларчиликка йўл қўяётган, ижтимоий шериклар билан шартномавий муносабатларни амалдаги қўнунлар талаби даражасида ташкил эта олмаётган қўнунлар билан ҳам учрамоқда. Бундай ташкилотларнинг касабакўм етакчисининг қатъий сизлигини тан олган ҳолда масаланинг бошқа жиҳатини ездан чиқармаслик керак. Айрим ҳолларда иш берувчилар касба уюшмаларига ўзаро муносабатлардаги тенг шерик сифатида эмас, балки бўйсунувчидек қараш ҳолатлари учрамоқда. Иқтисодий-молиявий қийинчиликларни рўқча қилиб, меҳнат жамоаси олдидаги ўз мажбуриятларини қўнунларни ифода этиб, бу талаблар иш берувчи томонидан қондирилишини ташкил этувчи ва назорат қилувчидир.

Иккинчи томондан қўйининг, яъни меҳнатқашларнинг қўллаб-қувватлаши, фаолиги ҳам касба уюшмаларининг мавқеини белгилайди. Яъни, жамоа аъзоларининг ҳўкукий билими, ижтимоий фаоллиги қай даражада бўлса, касабакўм шунга мос даражада ишлайди. Содда қилиб айтганда, касба уюшма ташкилотиде меҳнат жамоасининг бошқа бир ташкилий-ҳўкукий қўринишидир. Собик шўролар даврида касба уюшмалари фаолият маълум маънода чеклаб қўйилганди. Асосий фаолият соғломлаштириш, моддий ёрдам уюштириш, камёб маҳсулотларни тақсимлашда иштирок этиш бўлиб қолганди. Оқибатда одамлар онгида касба

конун бузилишларига оид шикоятлар анча қамайди. Жамоанинг хар бир аъзоси сиёсий жиҳатдан етук, ижтимоий фаол бўлса, ўз ҳўкуқларини яхши билса, бурчини мукамал бажарса, меҳнат муносабатларига боғлиқ муаммолар ўз-ўзидан ҳал бўлади. Касба уюшмалари фаолиятининг асоси меҳнатқашларни ана шу йўналишда ўқитиш бўлиши

ТЕНГ ШЕРИК, ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари, қорхона, ташкилотларда меҳнат муносабатларини тартибга солидиган меъёрий ҳўжатлар, энг аввало, жамоа шартномаси мукамал тузилиши керак. Вилоят тармоқ қўмитаси бу борадаги ишларнинг жойларда аҳолини муфассал ўрганиб чиқди. Шу жараёнда анча камчиликлар бартараф этилди. Жамоа шартномалари Ўзбекистон ҚУФК тавсиялари асосида қайта ишлаб чиқиши, бунда меҳнатқашлар фикри инобатга олингани ва уларнинг фаол иштироки умумий ҳолда ижобий ўзгаришларга олиб келди. Касба уюшмалари фаолиятида етакчининг шахси ҳам алоҳида аҳамиятга эга. У хар жиҳатдан бошқаларга, ҳатто маъмурий-ҳўжа-

Янги йилда - Янги поезд

Пойтахтимизни бошқа шаҳарлар билан боғлайдиган электропоезлар қатнови бундан роппа-роса йиғирма йил муқаддам бошланган эди. Чингелиди - Ховос йўналиши тўлиқ электрлашган, Тошкент-Сирдарё қатнови ташкил этилди.

Бугун электропоезлар Тошкентдан Ҳўжақент, Ховос, Сирдарё, Жиззах, Гулистон ҳамда Самарқанд шаҳарларигача катнаб, йўловчилар узоғини яқин қилмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясида йўловчи ташийдиган вагонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Янги вагонларни россиялик ҳамкорлар билан бирга шу ерда, ўзимизда йиғайлигимиз, - дейди «Тошкент йўловчи вагонлари таъмирлаш заводи» очиқ турдаги акциядорлик жамияти раиси Фаррух Дадаҳўжаев. - Янги йилга қадар дастлабки олти вагон йўловчилар ихтиёрига топширилади.

Хитойдан ўн иккита тезорар электровоз сотиб олинди. Айни пайтда йўлсозлар Самарқандга бўлган йўлни таъмирлаш ва қўшимча электр қуввати билан таъмирлаш борасидаги ишларни нихоясига етказмоқда.

Ҳозир қатнаётган поезд пойтахтдан Самарқандга беш соатда етиб боради. Мутахассислар фикрича, яқин кунларда илк бор йўлга чиқадиган янги электропоезд бу вақтни қарийб икки соат тез босиб ўтади.

(УЗА)

КИЧИК БИЗНЕС РИВОЖИ

Когонда кичик ва ўрта бизнес жадал ривожланмоқда. Жорий йилнинг ўзида бу ерда 174 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари рўйхатга олиниши ҳам шундан далолат бериб турибди.

Шундай қорхоналардан бири «Чашми гавҳари» Ўзбекистон-Россия қўшма қорхонаси ҳисобланади. Мақзур қорхона тиббиёт хизматлари қўрсатишга ихтисослашган. Маҳаллий «Чевар» МСЖ ва Россиянинг «Мамре» қорхоналари унинг муассислари бўлишди.

Когон шаҳар ҳокимлиги қошидаги тadbиркорлик субъектларини рўйхатга олиш бўлимининг бошлиғи Мурод Аслоновнинг айтишича, кейинги вақтда кичик ва ўрта бизнеснинг туман миқёсидаги улуши 33 фоизга ошди.

МАКТАБГА ГРАНТ

Самарқанд вилояти Иштихон туманидаги лицей-интернатнинг янги биноси қурилишига Япония ҳўкумати томонидан 70,759 минг доллар миқдоридида грант ажратилди.

Ушбу лойиҳа Ўзбекистон, Япония ва АКШ фуқаролари томонидан амалга оширилмоқда. Мактабни Тинчлик Корпуси қўнғиллилари билан биргаликда барпо этиш режалаштирилмоқда. Чўнончи, бинони қуриш режасини мактаб директори Келдиёр Очлов, инглиз тили ўқитувчиси Илёс Иброҳимов ҳамда Тинчлик Корпуси қўнғиллилари Даниел Бен ва Шери Ван Нес таъйёрладилар. Қурилиш ишлари келаси йил баҳорда бошланади.

Туркистон-пресс»

«Ишонч»га жавоб берадилар

«Бўка тумани электр тармоқлари ташкилоти ишчи-ходимларининг ёзган аризаси тегишли мутахассислар иштирокида ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам тумандаги Б.Умаров номи ширкат ҳўжалиги 2002 йил пахта терими пулидан электр тармоқлари ташкилоти ходимларига 206.684 сўм қарз эканлиги ва қарзал бўйича ҳисоб-китоблар ўз вақтида амалга оширилмаганлиги аниқланди.

«С.БЕГАЛИЕВ, Тошкент вилояти ҳокимининг биринчи ўринбосари

ФУҚАРОГА НАФАҚА ТАЙИНЛАНДИ

«Ишонч»га қувасойлик фуқаро Эгамов Шерали ёзган шикоят хати юзасидан Қувасой шаҳар ҳокимлигиндан жавоб хати олинди. Унда шундай дейилади: «Қувасой шаҳар ҳокимлиги тахририятингизга йўлланган шикоят хатини атрофича ўрганиб чиқди. Текшириш чоғида қуйидагилар аниқланди. Фуқаро Ш.Эгамов ҳақиқатан ҳам Қувасой шаҳар «Валик» кишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Найман маҳалласида рўйхатда тургани ҳолда Қувасой шаҳар, Алишер Навоий кўчаси, 106 «б»-уй 14-хонасида (квартира) унинг номига расмийлаштирилмаган рўйхатсиз яшаб келмоқда. У қўз касаликлар бўйича Ў гуруҳ ногирони, нафақа олади.

Ш.Эгамовнинг меҳнат стажи тўрт йил бўлиб, иш ҳақи кам бўлганлиги сабабли энг кам иш ҳақидан пенсия ҳисобланган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармойишига асосан Ш.Эгамов 2003 йил 1 майдан бошлаб юқорида қўрсатилган миқдорда нафақа олмақда. Шаҳар ижтимоий таъминот бўлимига 2003 йил 7 феврал куни «Товоқсой» сикатҳоҳида даволаниш учун берган аризаси инобатга олинди. Сикатҳоҳга йўлланма келиши билан Эгамов Ш. даволашига юборилди. Шаҳар ҳокимлиги буни назоратга олди.

Унинг фарзанди Сайфиёв Шаҳзод 2001 йил январда туғилган. Фуқаронинг аризасига қўра 18 ёшгача бўлган фарзанди учун 2003 йил ноябр ойидан бошлаб олти ойга 2720 сўмдан нафақа тайинланди.»

Ш.ДЕХҚОНОВ, Самарқанд вилоят таълим ва фан ходимлари касба уюшма қўмитаси раиси

М.АТАБЕКОВА, Қувасой шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси

Хуршид таваллудининг 110 йиллигига

XX аср маданияти ва адабиёти ривожига салмоқли хисса қўшган ёрқин ва сарқира ижодкорлардан бири - Хуршид таваллудининг 110 йиллиги...

СЕРҚИРРА ИСТЕЪДОД СОҲИБИ

Ўзбек мушқали драматургияси ва операсининг асосчиларидан бири таниқли шоир, забардаст мутаржим, матншунос олим Хуршид таваллудин Шарофиддин Шарафиддин Тошкент шайхидин боғбон оиласида таваллуд топган...

Хуршид таваллудиннинг мушқали ва адабиётининг мурғак қалбида адабиётга меҳр уйғонишида унинг илму адаб мушқиб бўлган отаси Шарофиддин ақалининг хизматлари катта...

Хуршид мадрасада араб ва форс тилларини ўрганиш билан бирга, Абулқосим Фирдавсий, Низомий Ганжавий, Саъдий Шерозий, Хофиз Шерозий, Абдурахмон Жомий, Мавлоно Лутфий, Алишер Навоий, Захриддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Фузूलӣ, Мирзо Абдулқодир Бедил каби форсий ва туркий адабиётининг улкан сўз санъаткорлари ижодини ҳам иштиёқ билан мутолаа қилади...

16 ёшида отасидан етим қолган Шамсиддин ёзда бог ишлари билан шуғулланар, кишда мадрасада ўқини давом эттирар эди. Кун қурши оғирлашган 18 ёшида ўқини ташлаб, тегириллик билан шуғулланишга мажбур бўлади. У 1910 йили Умархўжа деган дўкондорга мируз бўлиб Андижон шаҳрига кетади ва 1918 йилнинг июн ойига қадар унга хизмат қилади...

Шамсиддин Андижонда эканида ҳам тошкентлик шоирлар билан алоқаларини узмайди...

ассосида яратган мушқали драмалари ҳақиқий маънода шўхрат келтирди ва узоқ йиллар давомида саҳнадан тушмади...

Хуршид 1924-1926 йилларда «Муштум»да ишлади. Бу даврда у «Чаён», «Ужар», «Тажанг», «Чаёнвой» тахаллуслари билан «Қорнига» илон кироди...

1933-1948 йиллар мобайнида Навоий номидаги театрда адабий эмакдош бўлиб ишлаган Хуршид «Қалин», «Ойбону» драмаларини ёзди...

Драматург 1945 йили Абулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома»си асосида «Сиевуш» номли 5 пардали опера либреттосини ёзди...

Умуман, шоир ва драматург эллик йилдан зиёд ижодий фаолияти давомида 30 дан ортук пьеса ва 12 сахнавий шёрий диалоглар яратди...

Хуршид умрининг сўнгги йилларида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишлади...

Хуршид ижодини ўрганган олимларнинг шаходат беришларича, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида унинг 16 номдан иборат оригинал ва таржима, драматик асарлари, шёрий ва адабиёт назариясига оид «Ўзбек шёрийатининг шакллари» таснифоти...

Хуршид ижодини ўрганган олимларнинг шаходат беришларича, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейида унинг 16 номдан иборат оригинал ва таржима, драматик асарлари, шёрий ва адабиёт назариясига оид «Ўзбек шёрийатининг шакллари» таснифоти...

20-йилларда у қаламни драматургияда сынаб қўриб, «Емон ўртоқ», «Жувонбозлик қурбони», «Туганмас бойлик», «Кичик аскар», «Жадид ва қадим» пьесаларини ёзди. Уларнинг кўпчилиги саҳналаштирилди...

Эргаш ОЧИЛОВ, филология фанлари номзоди

САРДОР ҲАҚИДА КИТОБ

Умрининг 50 йилини темирйўл соҳасига бахшида этган етук мутахассис ва арбоб Азиз Қодиров таваллудига 90 йил бўлди...

Бир қаторли темирйўлнинг қўш қаторли қилинишида унинг хиссаси катта бўлди. Темирйўл хўжалигида қатор йирик иншоотлар ҳам унинг саъй-ҳаракати билан бунёд этилди...

Устоз темирйўлчининг 90 йиллиги санаси муносабати билан Хотира китоби ёзилди. Унда Азиз Қодировнинг оила аъзолари, яқинлари у кишига ҳамкасб, ҳамфикр ва ҳамдам бўлган темирйўлчи фаолиятлари эсдаликлари баён этилди...

ЁШ МАҚОМЧИЛАР ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида Юнус Ражабий номидаги мақом ижрочиларининг республика танлови ақунланди. У миллий мақомчилик, санъатимизни асраб-авайлаш, тарғиб этиш, ёш ижрочилар ижодини қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳар тўрт йилда бир марта ўтказилапти...

Танлов ғолиблари яққа хонандалик, яққа созандалик ва созандалик ансамбли йўналишларида аниқланди. Ўзбекистон Давлат консерваторияси истеъдодли талабалари Набижон Қодиров (ғижжак), Бехзод Сафаров(дўтор), Мансур Воисов(рубоб), Илбас Арабов(дўтор), Очилик Матчонов (яққа хонандалик) йўналишида биринчи ўринга лойиқ деб топилди...

(ЎЗА)

КИЧКИНТОЙЛАР ҚУВОНЧИ

Янгийўл туманидаги «Бойчечак» номли 12-бола болалар боғчаси «Гулбахор» кўргони марказида жойлашган. Эйтиборли жиҳати шундаки, болалар боғчасидаги ҳар бир хона қуркам ва шиная бўлиб, керакли жиҳозлар билан безатилган...

Яқинда бу ерда яна бир тадбир - очик мулоқот бўлиб ўтди. Тадбир ғоят қизиқарли ва узоқ вақт эсда қоладиган бўлди.

Боғчамизда айни пайтда 132 нафар кичкинтой тарбияланмоқда,



Энг муҳими, болажонлар Ватан, юрт тўғрисидаги ташунчаларга эга бўлишди.



– дейди боғча мудираси Санобар Турсунова. – Туман халқ таълими бўлими ва ҳомий ташкилотлар етакчилари тез-тез холимиздан хабар олиб туришади. Айниқса, байрамларда боғчамиз янаям гавжумлашиб кетади.

Ҳа, бу тарбия масканида яйраб ўсаётган болажонларнинг ҳар бир кунини сермазмун ва қувноқ ўтаётганини қўриб шўроналар айтасан киши. Зеро, бугун алоҳида гавжумлик билан қуршаб олинган болажонлар эртага юрт фидойилари бўлиб етишишларига шубҳа йўқ.

А.АҚБАРОВ Суратларда: боғча тарбиячилари иш фаолиятидан лавҳалар

Футбол

Ёшлар ўртасида жаҳон чемпионати Лотин Америкаси бенифисига айлиниб кетди. Бу чорак финалда яна бир қарра исботини топди. Аргентина ҳам, Колумбияга ҳам, Бразилияга ҳам омад қулиб боқди.

КИМ КУЧЛИ Бразилиями ёки Аргентина?

Тўғриси, биз кўнгилнинг бир чеккасида БАА билан рубару келган Колумбия қўқилса керак, деган ҳаёда эдик. Ҳар ҳолда майдон эгалари медал соҳибига айлиниш учун яқшигина имкон яратилганди. Лекин кўтадошларимиз ортук даражада жумбушга берилиб кетиб, ўз дарвозалари дахлизалигини сақлашни унутиб қўйишди. Боз устига индивидуал маҳорат бобида анча етук бўлган рақиблар учун ҳимоя чизигини ёриб ўтиш унчалик қийинчилик туғдирмади.

Яна бир кўтадошларимиз Япония ҳам Бразилия термисининг ҳужумкор уйинига қарши чора топа олмади, қақшатқич зарбага учради. Буни ҳисоб ҳам тасдиқлаб турибди—1:5.

Гарчанд Осиё вакиллари ярим финалга чиқиш насиб этмаган бўлса-да, барибир уларни қўллаш мумкин. Чунки футбол ўта ривожланган Европада бор-йўғи бир жамоа – Испания қурашини давом эттираётгани, Англия ва Германия каби мамлакат вакиллари анча барвақт томошабинга айланганининг ўзидек кўтадошлар футбол дадил одимлаётганини, унинг нуфузи муттасил ошиб бораётганини аниқлади.

Бунинг гавжумлигида Испания ва Италия тўси-гидан ошиб ўта олмаган юртдошларимиз ҳақида жаҳон оммавий ахборот воситалари орқали тарқатилган иллик фикрлардан ҳам билса бўлади. Гейрих, Нестеров, Зейтуллаев каби ёшларимиз хозирданок талабан мутахассис-мураббийларнинг назарига тушиб улгурди. Эртага уларнинг сафси яна ортишига шубҳа йўқ.

Шундай қилиб, АҚШ-Аргентина ва Буркина-Фасо-Испания ўртасида кечган бахслар ниҳоясига етган, ярим финал иштирокилари майлун бўлди. Бугун БАА футбол майдонларида Испания-Колумбия ва Бразилия-Аргентина ўзаро орани очди қилиб оладилар.

Биз бунинг аввал ҳам айтган эдик. Яна тақорлаймиз: Финалда Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси иштирок этган гуруҳ ғолиблари бир-бирларига тўқнаш келишлари мумкин. Бу эса бевосита бўлмаса-да, билвосита юртимиз футболни мавқеига ижобий таъсир қўрсатади.

ЖУРНАЛНИНГ ОЙДИН ЙЎЛИ

Мамлакатимизда чоп этилаётган «Халқ таълими» журнали 85 ёшга тўлди. Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг илмий-методик нашри ҳисобланган бу матбуот органи 1918 йил декабр ойида «Маориф» номи билан чиқа бошлаган эди.

Журнал дастлабки сонларидан бошлаб ўз атрофида ўша даврининг таниқли педагог, ёзувчи, маданият намоёндалари каби маърифатпарварларни жипслаштирди. Зиё Саид, Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори Абдурашидов, Чўлпон каби зиёлилар ижодлари, ташкилчилари туфайли журналнинг нуфузи ортиб, мунариҳаси бойиб борди.

Айни вақтда журнал «Халқ таълими» кутубхона рўқни остида «Мактабда физика таълими», «Мактабда кимё таълими» ва бошқа номларда тўплалар тузиш ташаббуси билан чиқди. Истиклол туфайли ташкил этилган «Маорифимиз» даргалари рўқни остида мустақилликка эришиш, халқимизни маърифатли қилиш йўлида қурашган, қурбон бўлган педагоглар фаолиятларини кенг ёритиш имкониятлари очилди. «Туркистон – умумий уйимиз» рўқни остида қозонистлик, киргизистонлик маорифчилар илгор педагогик иш тажрибалари ҳақида мақолалар ёритилмоқда.

«Халқ таълими» журналининг навбатдаги сонини асосан шу санага бағишланди. Унда Ўзбекистон Халқ таълими вазирси Рисбой Журевнинг республикамиз журналхонларига йўллаган табриги ҳам чоп этилди.

А.АЛИЕВ

Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касабаси Марказий кўмитаси Марказий кўмитанинг молиявий ишлар бўлими мудирси Абдурашид Абдувоҳидовга отаси МАҲКАМ отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик ихсоз этади.

Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси Марказий кўмитаси таълим ва фан ходимлари Наманган вилояти касабаси ушма кўмитаси раиси Роза Деҳқонновага отаси ТОШТЕМИР отанинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик ихсоз этади.

Болалар спорти

ШАҲАРДАГИДАН ҚОЛИШМАЙДИ

Денос туманидаги Собир Раҳимов номли ширкат бўялиги йиллик ғалла, пахта ва пилла етиштириш бўйича мамлакатимиздаги илгор хўжаликларида бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республикада болалар спортини ривожлантириш тўғрисида»ги Фармонида асосан хўжалик марказида йил бошида спорт мажмуаси қурилиши бошланган эди. Қурилиш пухта лойиҳа асосида олиб борилди. Асосан, 40 нафар ишчида иборат қурилиш бригадаси томонидан хўжалик кўрқига-кўрқ бағишлаб турган, халқаро стандартлар даражасидаги спорт мажмуаси қуриб битказилди. Мажмуада, жумладан футбол, волейбол, баскетбол, теннис, енгил атлетика, кураш, шохмот-шашка бўйича мусобақалар ўтказиш имконияти мавжуд.

Бу замонавий спорт мажмуаси қурилиши учун 300 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Маблағнинг 50 фоизи хўжалигимиз фойдаси ҳисобидан қопланди. Хозирда қаратқилди Юсуф Ражабов, Баҳром Каримов, курашчи полковларимиз Абдусалом Худоев, Илбас Саидов ҳамда Тўлқин Қороев бошлик футбол жамоаси вакиллари жажжи фарзандларимизни ҳам спортга ошно этиб тарбиялашда жонбозлик кўрсатишмоқда. Насиб этса, юртимиз доврўғини таратадиган етук спортчилар хўжалигимиздан етишиб чиқади, – дейди ширкат хўжалиги раиси, Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев

Рустам ДАВЛАТ, «Ишонч» муҳбири

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунини ҳаётга таътиб этиш ва Қадрлар тайёрлаш Миллий дастурини босқичма-босқич амалга ошириш таълим тизимини жаҳон андозалари асосида ислох қилиш имконини бермоқда.

Қарши педагогика коллежи Қарши воҳасининг тўнғич илм маканларидан бири. Ҳар йили юрти хозирги кунга қадар вилоятнинг мактабгача таълим муассасалари ва мактаблари учун 60 миңдан ортук ўрта махсус маълумотли мутахассисларни етказиб берди. Илм даргоҳини битириб чиққанлар орасида таниқли ва табарруқ кишилар бор.

– Ёш авлодни ўзликини англаш, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш, йигит-қизлар қалбига янғича ишлаш ва яшаб тафаккурини, миллий истиклол ғояларини сингдириш фаолиятимизнинг асосий мезони ҳисобланади, – дейди коллеж директори, физика-математика фанлари номзоди, доцент Турсунпўлат Жумаев. – Ҳар йиллик ўрта махсус касб-хўнар таълимининг ҳунари этилиши ёшларнинг интеллектуал ва маънавий салоҳиятини рўйбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этади.

Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури - амалда

Қоллежи қайта таъмирлаш учун 1 миллиард сўмдан ортук маблағ ажратилган. Қўшимча равишда 400 ўринли ётоқхона ва замонавий спорт мажмуаси бунёд этилади.

Вазирлар Маҳкамасининг «Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хўнар таълимига изчил ўтишни таъминлашга доир қўшимча

айланган. Мавжуд адабиётларнинг 16 миңдан ортук тарсик, қарийб ярмини бадиий асарлар, ўқув асарлар, ўқув-услубий, илмий-оммабоп адабиётлар ташкил этади. Талабалар уйда ҳам қироатхона хизмат кўрсатапти. Президентимизнинг «Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармо

БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ МАБЛАҒ

чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида мактабларнинг 9-синф битирувчиларини ўқишга кенг жалб этиш, коллежни жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган таълим масканига айлантириш дастури ишлаб чиқилди. Амалидаги давлат таълим стандартларини такомиллаштириш ва битирувчиларга чуқур билим бериш, касб тайёрларини оширишга қаратилган назарий-услубий фаолият янада кучайтириляпти.

50 миңдан ортук китоб жамғармасига эга кутубхона ҳақиқий зиё масканига ни ва Вазирлар Маҳкамасининг қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда жисмоний кўшига ва спорт секцияси иши анча жонланрилди. Спортнинг 14 тури бўйича тўғарақлар фаолият кўрсатапти. Талабалардан Бекзод Нафасов қаратқилди беш қарра жаҳон чемпиони, қизлар ўртасида миллий курашдан Мақсуда Худойбердиева, йигитлардан Ботир Боймуродов бир неча марта Ўзбекистон чемпионлигини қўлга киритдилар. Андижонда бўлиб ўтган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида фаол қатнашган

ISHONCH Бош муҳаррир Мирғиёс КАЮМОВ Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси

Таъхир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари) «Ишонч-Доверие», Мирзохид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиков, Мирфозил Олимов E-mail: ishonch@postlink.net; ishonch1@postlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79. Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган Босмига топшириш вақти - 21.00 Топшириш - 22.30

Манзил: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр қўрсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланади. Офсет усулида босилди. Ўқимчи А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сопулда эркин нарҳда. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Қорхона манзили: «Буёқ Туран» кўчаси, 41-уй.